Ушбу сонда:
2 *Касаба уюшма кўп ишга қодир* НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 10 сентябр, жума № 147 (1780)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЧЕХИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 2004 йил 12-15 сентябр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.***

Ташриф чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилади, турли соҳаларда Ўзбекистон-Чехия муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама битимлар имзоланади.

## ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябр куни Оқсаройда Афинада ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди**

- Мен Сизларни - жаҳон Олимпия ҳаракати солномасига ўз номини - ўзбек спорти вакиллари номини ёзган буюк спортчиларни қутлашдан мамнунман. Сизларнинг сиймонгизда Афинадаги Олимпиада ўйинларида қатнашган барча спортчиларимизни табриклайман, - деди Президент.

Бутун мамлакатимиз, кўп миллатли халқимиз номидан барчангизга, тренер ва мураббийларингизга - Афинада ёнингизда бўлганларга, Ўзбекистонда туриб сизларни қўллабқувватлаганларга чуқур миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон байроғини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуғлаганингиз учун барчангизга раҳмат.

Ҳар гал телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали спорт майдонларида, гиламда, рингда Ўзбекистон спортчиларини кўрганимизда мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг қалбини ҳаяжон чулғади. Ҳаммамиз ўзимизни ғалаба учун кечган оғир курашларда гўёки сизлар билан бирга иштирок этгандек ҳис этдик десам, муболаға бўлмайди.

Афинадаги Олимпиада ўйинларида ғалаба қозониш учун спортчиларимиз ўзларини аямай, бор куч-ғайратини сарфлади. Мен бунга аминман ва бу фикрни барча жамоадош дўстларингизга етказишингизни сўрайман.

Аввало Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун, кейин эса спорт майдонларида ўз маҳорати ва ғалабага бўлган ишонч ҳамда иродасини исботлаш учун тўрт йил давомида қанча меҳнат қилишга, қанча тер тўкишга, куч-ғайрат сарфлашга, матонат кўрсатишга тўғри келганини биз яхши биламиз.

Буларнинг барчаси учун Сизларга раҳмат.

Бугун халқимиз ўз спортчиларини - Олимпиада олтин медали учун - курашчилар Артур Таймазов ва Александр Доктуришвилини, кумуш медал учун Магомет Иброҳимовни, бронза медали учун боксчилар Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодир Султоновни олқишламоқда ва ғалаба билан қутламоқда.

Ишонаманки, яна озгина омад келганида ва ҳакамлар адолатлироқ баҳолаганида эди, сизларнинг ёнингизда бошқа спортчиларимиз ҳам туриши мумкин бўларди, Ўткирбек Ҳайдаров эса шубҳасиз олтин медални қўлга киритарди.

Сизларга - барча синовлардан муносиб ўтган ва ўзбек спорти довруғини оламга ёйган полвонларга офарин деймиз.

Жаҳоннинг икки юздан ортиқ мамлакати орасида терма жамоамиз умумий ҳисобда 34-ўринни эгаллагани, Сиднейдаги ўйинларга нисбатан етти поғона юқори кўтарилгани ҳаммамизга катта қувонч ва ифтихор бағишлайди.

Олимпиада иштирокчиларидан фақат 75 мамлакатгина медалларга сазовор бўлганини алоҳида қайд этишни истардим, деди Президент. Агар бу фикрни давом эттирсак, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида - бешинчи, Осиё қитъасида - еттинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир фикрни айтишни ўринли деб биламан. Тарих ҳақиқати шуни тасдиқлайдики, бу ҳаётда ҳеч нарса тасодифан бўлмайди.

Бугун Олимпиада майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашган ва баланд шоҳсупаларга кўтарилган фарзандларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдевори ва сабаблари, қисқа қилиб айтганда, бу ғалабанинг замини қаерда, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Бунинг замини - аввало, халқимизнинг табиатида, салоҳияти ва буюк имкониятларида, деб ўйлайман.

Бунинг пойдевори - ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган, миллатимизга мансуб бўлган куч-қудрат ва азму-шижоатда.

Бунинг замини - бутун халқимиз, жамиятимизнинг спортга, айниқса болалар спортига, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига бераётган катта эътиборида. Мен бу ютуқни шу борадаги интилиш ва улуғвор ишларимизнинг мантиқий натижаси, халқимиз нималарга қодир эканлигининг амалий ифодаси, деб биламан.

Сизларни Афинага кузатар эканмиз, юртимизга албатта ғалаба билан қайтишингизни тилаган эдик. Сизлар миллионлаб ватандошларимизнинг умид ва ишончини оқладингиз. Сизлар ёш авлод фахрланадиган, ўрнак олса арзийдиган шахсларга айландингиз, деди пировардида Ислом Каримов.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Афина шаҳрида бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонга биноан олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлган спортчиларимиз орден ва унвонлар билан тақдирланди. Ислом Каримов уларга давлат мукофотларини топширди.

Учрашувда курашчи Артур Таймазов, боксчи Ўткирбек Ҳайдаров, бокс бўйича мураббий Александр Размахов халқимизга, Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кўрсатилаётган катта эътибор учун чуқур миннатдорлик изҳор этди. Бундай ғамхўрлик Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётганини таъкидлади.

**(ЎзА)**

*Ислоҳот инсон учун*

***Қашқадарё вилоятида аҳоли ижтимоий муҳофазасининг ўзига хос кўринишлари шаклланган. Бундай омиллардан бири халқ орасида саккизинчи хазина, деб юритиладиган деҳқон хўжаликларидир. Айни кунларда Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ деҳқон бозорларини айланган киши сабзи, пиёз, картошка, мева-чева, қовун-тарвуз ва бошқа нозу неъматларнинг анча арзонлигига гувоҳ бўлади. Бунинг боиси бор, албатта. Сўнгги йилларда бўш ётган ерлар одамларга боғ-роғ, экин-тикин қилиш учун берилганлиги туфайли маҳсулот етиштириш кўпайиб, арзонгарчиликка эришилди.***

қарори қабул қилинди. «2004-2006 йилларда кам таъминланган аҳоли қатламларининг барқарор даромад манбаларини шакллантириш компенсацияси ва манзили дастури» эса деҳқон дастурхонининг тўкин ва маъмур бўлишига қаратилган.

Ўтказилган мониторингларда ишлаб чиқариш ва

## I.САККИЗИНЧИ ХАЗИНА

### аҳолини ижтимоий ҳимоялашда деҳқон хўжаликларининг роли

Шаҳрисабзликлар касби ўқитувчи Муродулла Мустафоевни яхши билишади. Туманнинг Тезгузар қишлоғида яшайдиган бу қишлоқ муаллими 17 йил Болта Шербобоев номли умумтаълим мактабида ёшларга устозлик қилган. Ҳозир ҳам севимли касбини ташлагани йўқ. «Муродулла - Тезгузар» деҳқон хўжалиги тузиб, банкдан бир миллион сўм кредит олди. Томорқасида болгар қалампири, картошка, помидор, бодринг ва бошқа сабзавот экинлари ўстириб, қисқа муддатда қарзни қоплади.

Тоғ минтақасида жойлашган бу туман бандлик даражаси жуда паст ҳудудлардан бири. Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, тоғ ва тоғ олди қишлоқларида 1755 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, тадбиркорларга сувли ерлардан 250 гектар, лалми майдонлардан 480 гектар ер ажратиб берилди.

Жорий йилда эса 2248 та деҳқон хўжаликлари тузиш режалаштирилган эди. Йилнинг ўтган даврида мингга яқин деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, уларга суғориладиган ва лалми майдонларда 300 гектардан зиёд майдон ажратилди. Туманнинг «Наврўз», «Оқдарё», «Ҳазара», «Ҳисор» ширкатлари, Сарчашма, Ғилон, Ҳисорак, Сайёд, Сувтушар, Кул қишлоқлари ҳудудидан деҳқон хўжаликлари учун ер ажратилганлиги айни муддао бўлди. Ҳазаралик Эркин Алимардонов, «Наврўз» хўжалигидан Ғайрат Қиличевлар бунёд этган боғ-роғларни кўрган кишининг кўзи қувнайди.

Китоб туманининг Матмон, Кўҳсар, Башир қишлоқлари аҳолиси деҳқон хўжалиги ҳисобига рўзғорини тўкин қилиб, бозорни ҳам маҳсулотга тўлдираяпти. Биз Улуғбек номли ширкат хўжалигида олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Томорқаларда 4,5 минг тонна картошка етиштирилганлиги, редиска, кўкат, помидор, бодрингдан мўл ҳосил олинганлиги оилавий тадбиркорлик самарасини кўрсатиб турибди.

Хўжалик ижарачиси Имом Карвонов, Бешқозоқ қишлоғида яшовчи Бурҳон Хуррамов каби деҳқонлар ўз томорқаларидан 3 миллиондан 5 миллион сўмгача даромад қилишган. Энг муҳими ернинг умри бекор ўтмасдан 2-3 мартадан ҳосил олинган. Биргина «Паландара» хўжалигининг тоғ ва тоғ олди ҳудудида экин экиш ва деҳқончилик қилиш учун 1631 гектар майдон аҳолига бўлиб берилган.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар даромад манбаини шакллантириш учун 1343 та оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, беш мингдан ортиқ киши ишли бўлди. Варганза, Қишлиқ, Каромат Рустамова, Й.Охунбобоев, А.Навоий номли хўжаликларда 4,5 минг гектар лалмикор ер деҳқончилик қилиш учун одамларга тарқатилди.

Яккабоғ туманида 2000 дан ортиқ деҳқон хўжаликлари тузилиб, «Турнабулоқ», «Турон», «Қизилсув» ширкат хўжаликларида минг гектардан зиёд майдон ажратилди. Ширкат ҳисобидаги боғ ва токзорлар ҳам аҳолига бўлиб берилди. Келажакда мева, узум ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш учун Яккабоғда иккита корхона бунёд этилади.

Вилоятда 544 мингдан зиёд оила бор. Уларнинг турмуш фаровонлигини кўтариш мақсадида вилоят ҳокимининг «Вилоятнинг тоғ, тоғ олди ва лалмикор ҳудудларида 2004-2006 йилларда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик ҳамда узумчилик тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш имкониятлари чекланганлиги аҳоли тиғиз яшайдиган ҳудудларда меҳнат бозоридаги вазият мураккаблиги аён бўлди.

Аҳолининг ишсиз, даромад манбаи кам қатлами муаммоларини ечиш масаласига янгича ёндашилаётганлиги самара бермоқда. Бандликни ошириш, иқтисодий аҳволни ўнглаш мақсадида жойлардаги ўзига хос демографик вазият, ишга талаб, янги иш ўринлари ташкил этишнинг устувор йўналишлари ва молиявий манбалари ҳисобга олиниб, мавжуд 529 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича бандликни йўлга қўйиш ва ижтимоий муҳофаза дастурлари ишлаб чиқилди.

Бундан мақсад кам таъминланган, энг аввало ҳар томонлама ижтимоий муҳофазага муҳтож кўп болали, ногирон, боқувчисини йўқотган ва ўзининг дастлабки эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган оилаларни аниқлашдан иборат эди. Туман ҳокимликлари ҳузурида тузилган махсус гуруҳлар бундай оилалар сонини аниқлаб чиқдилар.

Белгиланган дастурга мувофиқ бултур 12 минг 600 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонун талабларига асосан уларнинг 6 мингдан зиёд юридик мақомга эга бўлди. Айни пайтда юридик мақомли деҳқон хўжаликлари сони 12 мингдан ортиқ. Бу кўрсаткич йил охирига қадар 20 минг 400 тага етказилиб, 1,9 минг гектар қўшимча ер майдони ажратилади.

Ўтган йили деҳқон хўжаликларига 1,7 минг гектар ер берилди. 24 минг нафардан кўпроқ фуқаро ишга жойлаштирилди.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## КОНИ ФОЙДА

Термиз паррардачилик фабрикаси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 250 минг бош парранда боқилмоқда.

Жамият томонидан кунига 105 минг дона тухум аҳолига етказиб берилмоқда. Йил охиригача 35 миллион дона тухумни эл дастурхонига етказиш режалаштирилган.

Бу соҳанинг сердаромадлиги ўтган йил якунидан ҳам кўриниб турибди. Паррандачилар 338 миллион сўм соф фойда кўришди. Шундан келиб чиқиб, инкубатория ишга туширилди. Ҳозирда йилига 300 минг бош жўжа чиқарилиб, эҳтиёжларидан ташқариси харидорларга сотилмоқда.

Айни пайтда 20 та цехда етмишта ишчи меҳнат қилмоқда. Улар товуқлар бош сонини кўпайтириб, йилига 100-110 тонна пархез гўштни аҳолига етказиб бериш ниятида.

**Суратларда: товуқбоқарлар Г. Худойназарова ва З. Азимова; сараловчи Ш. Чориева.**

**И.ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар**





***Чирчиқ шаҳрида уч юз ўқувчига мўлжалланган Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.***

## СПОРТ КОЛЛЕЖИ

Унда ёшлар спортнинг футбол, дзюдо, кураш, велоспорт, эшкак эшиш, енгил ва оғир атлетика, турон яккакураши, бокс каби турлари бўйича таълим олади.

Шу билан шаҳардаги коллежлар сони саккизтага етди. Уларда беш мингдан ортиқ йигит-қиз сабоқ олмоқда.

## СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Бухоро вилоят судида шу йил март ойининг охирида Ромитон туманининг Қаҳрамон қишлоғида террорчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган жиноий гуруҳ аъзолари устидан очиқ суд жараёни бошланди. Суд жараёнига жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Абдуҳалим Насриев раислик қилмоқда.

Судланувчилар тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир неча моддалари билан қатор ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланган.

Суд жараёни давом этмоқда.

**(ЎзА)**

*Огоҳлик—давр талаби*

***Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунида терроризм ва диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларини фош қилиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни бузиш ҳолатларининг олдини олиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.***

## ҲУШЁР ОДАМ ПАНД ЕМАЙДИ

Қоровулбозор шарқ томондан Қашқадарё, жануб ва ғарбдан Бухоро, шимолдан Навоий вилоятлари билан чегарадош. 2,2 минг квадрат километрлик ҳудудда турли миллат ва элат вакилларидан ташкил топган 14 мингга яқин аҳоли яшайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда терроризмнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасида кенг кўламли тадбирлари ўтказилиб турилибди.

Ҳокимлик, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар бўлими ходимлари томонидан белгиланган дастур асосида «Жарқоқ» ширкат хўжалиги, Газ таъминоти идораси, Саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи, «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш», «Ўзпаравтотранс», «Ўзпартомпонаж» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, «Тинчлик», «Чўлқувар», Ал-Бухорий номли маҳаллалар, «Бўзачи», «Навбаҳор», «Жарқоқ» фуқаролар йиғинларида, мактабларда экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича ўтказилган учрашувлар қизиқарли бўлди. Бундан ташқари, ҳуқуқ-тартибот муассасаси, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимларидан иборат 6 та гуруҳ фаолият кўрсатаяпти. Улар томонидан барча уй томлари, ертўлалар, 800 дан ортиқ ташландиқ бинолар кўздан кечирилди.

Туман ҳокимининг ўринбосарлари З.Жумаев, С.Тошева, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси масъул котиби Ё.Турсунов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ч.Қурбонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси С.Саидқулов, «Чўлқувар», «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Ж.Абдужалилова, Ю.Исматов, туман прокурори Ф.Маҳмудов ва бошқаларнинг «Огоҳлик – давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Ёшлар терроризмга қарши», «Диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари» каби мавзулардаги чиқишлари, айниқса ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тинчлик ва осойишталикни сақлашда ички ишлар бўлими, маҳалла фаоллари ва посбонлари билан ҳамжиҳатликда уюштирилган «Тозалаш», «Аксилтеррор», «Паспорт» сингари тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳовли ва хонадонлар, кўп қаватли уйларнинг ертўла ва томлари кўздан кечирилганда, айрим шахси номаълум кишилар яшаётганлиги аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди.

Туманнинг чегара ҳудудларида тегишли хизматлар билан биргаликда махсус гуруҳлар тузилиб, ман қилинган нарсаларни хуфёна йўллар билан олиб келаётган кишиларга нисбатан қаттиқ назорат ўрнатилган. Қишлоқ ва маҳаллаларда шахси номаълум кишилар пайдо бўлса, дарҳол ички ишлар бўлимларига хабар қилинади. Маҳалла посбонлари бошчилик қилаётган ёшлардан иборат навбатчилар гуруҳи ўз постларида ҳушёр ва сергак туришибди.

Амалга оширилаётган профилактика тадбирлари ижобий самарасини бермоқда. Ҳудудда салбий ҳолатлар кескин камайди. Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноий хатти-ҳаракатлар содир бўлмади.

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш кучайтирилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва маросимларни ихчам ўтказиш тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида иш кўрилаяпти. Яхшилик, эзгулик нишонаси бўлган тўй-ҳашамларни ортиқча чиқимларсиз ўтказиш тартиби жорий этилган.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «БАКСТИМС» ЭКСПОРТГА ЧИҚДИ

***Собир Раҳимов туманидаги «Sorb-Teh» акциядорлик жамияти «Бакстимс» янги дорисини МДҲ мамлакатларига экспорт қила бошлади. Юртимизда ўсадиган доривор ўсимликлардан тайёрланадиган бу препарат шамоллаш оқибатида келиб чиқадиган касалликларга қарши иммунитетни оширади.***

Айни вақтда у бўқоқ касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда, битиши қийин яралар ва тўқималарнинг яллиғланишига қарши курашда ҳам самарали восита ҳисобланади.

- Илгари юртимизга бу турдаги дорилар хориждан келтирилар эди, - деди «Sorb-Teh» акциядорлик жамияти бош директори Ҳақберди Мисиров ЎзА мухбирга. - Эндиликда корхонамизда кунига йигирма минг дона «Бакстимс» қадоқланиб, экспортга чиқарилмоқда.

*Касаба уюшма кўп ишга қодир*

# НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Асака туманидаги Ниёзботир пахта пунктида ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса Агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳидоятилла Аҳмедовни чуқур ташвишга солди. «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган ушбу пунктда мавсумий ишчиларнинг бири эҳтиётсизлиги боис, фожеага йўлиққанди. Ҳидоятилла ака бош-қош бўлиб, хонадонга кўнгил сўрагани бордилар. Шу сабаб бўлиб, ширкат ҳамда пункт маъмурияти, марҳумнинг маъракасини ўтказдилар.

Меҳнат Кодексида бахтсиз ҳодисаларга сабабчи бўлган томонлар зарарни товон пули билан қоплашлари аниқ-тиниқ кўрсатилган. Шунга қарамай, иш берувчилар бош корхонаси – Асака туман 2-сон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти нима учундир пинагини бузмади. Марҳумнинг оиласига товон пули тўлаш масаласи кўндаланг қўйилганда, пахта тозалаш корхонасининг ўша пайтдаги мутасаддиси Ҳамиджон Ашурматов уни худди ёнидан бераётгандек пайсалга солди. Чунки тармоқ касабачилари 2 марта Ҳ.Ашурматов номига тақдимнома чиқариб, товон пули тўловлари асоссиз кечиктирилаётганлиги ҳақида огоҳлантирганди.

Раиснинг куюниши боиси, марҳум жўжабирдек жон бўлиб, оилага боқувчисидан ажралганлик оғир юк бўлиб тушганди. Бунинг устига, маросимлар ўзидан-ўзи бўлмайди. Шу боис, у ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдужаббор Матёқубов номига ҳам азадор оилага моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида мурожаатнома йўллади.

Охири пахта тозалаш корхонаси билан ширкат хўжалиги бошқаруви раисларининг меҳнат муҳофазасига муносабати тармоқ қўмитаси раёсати мажлисида кўриладиган бўлди. Иш берувчилар Ҳ.Ашурматов, А.Матёқубовлар раёсат йиғинида товон пули тўловида катта хатога йўл қўйганликларини пайқаб, ер чизиб ўтирардилар. Тармоқ касабақўми раиси юз-хотир қилмай, корхонада ва ширкат хўжалигида меҳнат қонунлари қўпол равишда бузилганлиги, бу соҳада касаба уюшмалари асло ён бермаслиги ҳақида гапириб ташлади.

Хуллас, муҳокамадан иш фуқаролик судигача бориши тайин бўлаётганди. Қарор лойиҳаси тайёрланаётганда, Ҳидоятилло аканинг ўзи судга даъво аризаси киритиш таклифини ўртага ташлади. Лекин иш берувчилар бирин-кетин сўз олиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясида принципсизлик қилганликларини, товон пулини тўлашга дарҳол киришишларини билдирдилар.

Мажлисда мутасаддиларгина эмас, ушбу ташкилотларнинг касабақўм раисларининг муросасозлиги жиддий танқид остига олинди. Кўп ўтмай, пахта тозалаш корхонасидан марҳумнинг оиласига бир миллион сўмдан зиёд товон пули тўланганлиги ҳақида хабар олинди. Корхоналардаги меҳнат муҳофазаси муҳандиси ва бошқа мансабдор шахслар ҳам бахтсиз ҳодисанинг сабабчилари қаторида жаримага тортилдилар.

Тармоқ қўмитасининг меҳнат муносабатларини тартибга солишда туман прокуратураси, суд, адлия идоралари билан самарали ҳамкорлик қилаётганлигини таъкидлаш жоиз. «Жамоа шартномаси – меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асоси» мавзуида ўтказилган семинар-мулоқот касаба уюшмалари етакчилари учун чинакам мактаб бўлди. Туман прокурори Султонмурод Йўлбарсов меҳнат муносабатларини ҳал этишда жамоа шартномаларининг аҳамияти ҳақидаги маърузаси билан тадбирни бошлаб берди.

Ҳар ойда қўмита биносида ўтказиладиган «Касаба уюшмалари етакчилари куни» аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни тартибга солишда катта аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда бевосита тармоқ қўмитасининг аралашуви билан «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалигидан 1 миллион 32 минг, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидан 1 миллион, туман машина-трактор паркидан 1 миллион 200 минг сўмлик товон пуллари ундирилди.

Ишчиларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда тармоқ қўмитасининг мавқеи ортиб бормоқда. «Асакадон» ҳиссадорлик жамияти тегирмон цехи ишчиси Гулнорахон Турғунованинг йиғилишларда корхонадаги суиистеъмолликлар тўғрисида дангалига чиқишлари баъзиларга ёқмасди. Биринчи галда бу жамоа бошқаруви ҳайъати раиси Шуҳрат Мамажоновга маъқул тушмасди. Шу боис у пайт пойлаб, Гулнорахонни арзимаган сабаб билан ишдан бўшатди. Касаба уюшма ташкилоти розилигини олиш, ишчини бу ҳақда огоҳлантириш ҳақидаги Меҳнат Кодекси талаблари қўпол равишда бузилди. Касабачилар етакчиси вазифасини бажарувчи Неъмат Мамажонов эса ўзини кўрмаганга, билмаганга олади. Чунки у иш берувчининг дастёрига айланганди.

Натижада Турғунова Гулнорахон адолат излаб туман ҳокимлигига шикоят йўллади. Ариза ва мурожаатларни ўрганувчи ишчи гуруҳи тармоқ касабақўми билан бақамти иш юритди. Муаммони ҳал этиш раис ўринбосари Раҳматилло Акрамов зиммасига юклатилди. У Г.Турғунованинг ижтимоий манфаатлари бузилганлиги, уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги маъмурият буйруғи асоссизлигини исботлаб берди. Тармоқ касабақўмининг қарори билан иш берувчининг буйруғи бекор қилинди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди. Корхона бошлиғи Шуҳрат Мамажонов ҳам «ўз насибасини олди». Жамоадаги қонунбузарликлар учун у бошқа ишга ўтказилди.

Тармоқдаги жамоа шартномалари ва битишувларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси кафолатланган. Эътиборлиси, касаба уюшмалари ана шу бандларни ижросини таъминлашда изчил фаолият юритмоқда. Муҳими, уюшма аъзоларининг ўзлари бу борада ташкилотчилик қилмоқда. Бунга тармоқдаги «Фам» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасидан бир ибратли мисол келтирмоқчимиз.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ушбу корхонадаги ишловчилар орасида аёллар кўпроқ. Шунинг учун фаоллардан Соҳибахон Эргашева маъмуриятга корхонада аёллар гигиена хонаси очиш таклифи билан чиқди. Иш берувчи талабни ўринли, деб топади ва хонани қуриш ва жиҳозлаш ишлари бошлаб юборади.

Қўшма корхонадаги ишчиларга ғамхўрликдан кўнгил тўлади. Биргина 2003 йилда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси учун 123 миллион сўмлик пул маблағлари харажат қилинди. Ўртача маош жорий йилда 55 минг сўмдан. Бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Дам олиш хоналари, душ ишлаб турибди. Шу кунларда Туркия технологияси ёрдамида ун маҳсулотлари цехи қурилиши режалаштирилмоқда. У ишга тушгач, қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилади. Бунинг учун банкдан 300 миллион сўмлик кредит олиш лойиҳаси тайёрланмоқда.

**С.РЎЗИМОВ**

---

*Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган*

***Жиззах вилоятида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 109,8 фоизга ўсишга эришилди. Бунда «Зилолатекс» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ҳам ҳиссаси бор. Жамият аъзолари ўтган етти ой мобайнида 2 миллион 323 минг дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Белгиланган режа 104 фоизга адо этилди. Ўтган йилги натижалари ҳам салмоқли бўлиб, 22 миллион сўм соф фойда билан якунланди.***

# «ЗИЛОЛАТЕКС» ТАЖРИБАСИ



Айни пайтда ўқув, тикув ва бичув цехларида 120 нафар хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 40 нафар жиззахлик ёшлар улар сафига келиб қўшилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 2002 йилга нисбатан 7,6 баравар оширишга муваффақ бўлинди. 414 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда жамият аъзолари республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан шартнома асосида меҳнат қилиб келишмоқда. Бундан ташқари, корхона аҳоли талаб ва истакларини мунтазам ўрганиб, шу асосда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Болалар, эркаклар ва аёлларга мўлжалланган кўплаб трикотаж буюмлари шулар жумласидандир.

Кўпчилик жамоалар ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда қийинчиликларга учраб турган бир шароитда «Зилолатекс»да бу муаммо ечимини топган. Корхона тамғаси босилган маҳсулотларни Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Сирдарё вилоятларидаги бозорларда учратиш мумкин. Бунда корхонанинг Дилдора Очилова, Севара Зайниддинова, Муножот Исмоилова, Мавжуда Абдуназарова каби ўнлаб чеварларининг улуши катта бўлаётир.

Корхона ишчилари асосан хотин-қизлардан иборат. Шунинг учун уларнинг яхши ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ҳиссадорлик жамият қошида ошхона ишлаб турибди. Кўплаб маиший шохобчалар улар хизматида. Ходимларнинг ишга келиб-кетишлари учун автотранспорт ажратилган. Корхона ҳудудидаги профилакторийда аёллар саломатлиги кўрикдан ўтказилиб турилибди. Шу йилнинг ўтган ойларида 6 нафар киши санаторийларда ўз саломатликларини тиклаб, дам олиб қайтди.

Корхона мутахассислари яқин кунларда қўшма корхона ташкил этиш нияти билан яшамоқдалар.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратда: корхона тикув цехининг умумий кўриниши.**

---

# ЛИЗИНГ - ТАДБИРКОРЛАР ҲОМИЙСИ

Маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга оширишда лизинг хизматининг аҳамияти катта. «Осиё-Европа траст» компанияси ана шундай лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида етти ярим миллион АҚШ доллари миқдоридаги технологик линияларни жалб қилди. Бунинг натижасида четдан валютага олиб келинаётган ўттиздан зиёд турдаги маҳсулотни маҳаллийлаштиришга эришилди.

- Ушбу маблағ ҳисобидан тадбиркорларга полиэтилендан пакетлар тайёрлаш ва мармарни қайта ишлаш ускуналари етказиб берилди, - дейди компания бош директори Марат Ҳакимов ЎзА мухбирига. - Айни вақтда замонавий мактаб бинолари ва касб-ҳунар коллежлари, спорт мажмуаларига қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналарга ҳам ўн турдаги зарур техника топширилди. Бу эса 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умумммиллий давлат дастурида кўзда тутилган бунёдкорлик ишларини амалга оширишга хизмат қилади.





Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани «Жарқўрғон» кўчасида жойлашган Ўзбекистон - Россия «NVA» қўшма корхонаси бир неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамиятда айни пайтда 60 дан зиёд арзон ва сифатли электромонтаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 126 нафар ишчи меҳнат қилади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 70 минг сўмни ташкил қилади. Уларга барча қулайликлар, махсус кийим-бош, ишга келиб-кетиши учун транспорт ажратилган.

***Суратларда: илғор ишчилар: Ш.Шоазизов ва А.Воронова.***

**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар**

---

## ШОДЛИК УЛАШИБ

Мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» дастури изчиллик билан амалга оширилаётир. Пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйида 126 нафар бола тарбияланади. Уларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш мақсадида бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ишларига қарийб ўттиз миллион сўм сарфланди. Хона ва заллар янги жиҳозлар билан таъминланди. Бу хайрли ишда саховатли инсонлар, ҳомий ташкилотлар ҳам ўз ёрдамини аямади.

Мазкур Меҳрибонлик уйида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташаббуси билан «Болаларга меҳр улашиб» мавзуида ўтказилган тадбирда шу ҳақда гап борди. Болалар ўртасида ташкил этилган расмлар танлови ва спорт мусобақалари ғолибларига совринлар топширилди.

## ЯНГИ КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари сони «Осиё траст» ва «Имкон» номли янги ташкилотлар ҳисобига яна кўпайди.

Улар томонидан берилаётган кредитлар қисқа муддатда расмийлаштирилиши ва банкларга нисбатан кам ҳужжат талаб этилиши билан ажралиб туради.

Бундай молия муассасалари энди иш бошлаётган хусусий тадбиркорларга қўл келмоқда. Айни пайтда юртимизда шу турдаги уюшмалар аъзолари ўн минг нафардан ортиб, уларга ажратилган кредит маблағлари салкам икки миллиард сўмга етди.

**(ЎзА)**

---

*Одам борки...*

# ҚОТИЛ СУРАТИГА ЧИЗИЛГАН МЎЙЛОВ

## ноҳақ айбловга асос бўлди

(Боши ўтган сонда)

Судда аниқланишича, тергов жараёнида судланувчи Сабур Атажоновнинг уйидан болта ҳам корейс ўроғи олинган. Тергов даврида жабрланувчи Маҳмуд Машарипов болта ва корейс ўроғи терговчи Сафо Эгамбердиев олдида турганини кўрганини айтади. Судда сўралган терговчи С.Эгамбердиев болта ва корейс ўроғини қайтариб уй эгаларига бердим деса, судланувчининг турмуш ўртоғи Ақилжон Қўшарова буни рад этади. Судга С.Эгамбердиев томонидан юборилган ҳужжатда эса С.Атажоновнинг уйидан болта ва корейс ўроғи олинмагани кўрсатилади. Суд агар тергов болтадан жароҳат олган, деган фикрдан йироқ бўлса фақат марҳумни эксгумация қилиш орқалигина бу саволга ҳаққоний жавоб олиниши мумкинлигини уқтирган. Гувоҳ Жабборберган Ражаповнинг марҳум ишга келгунга қадар почтадан 17 миллион сўм камомад бўлгани, Қ.Машарипов томонидан 11 ходимдан ундирилиб, жойига қўйилган бўлиши мумкинлиги, ўлимга мана шу қарама-қаршилик сабаб бўлган бўлиши эҳтимоли ҳақидаги фикри ҳам текширилиши лозим деб топилди.

Судда сўралган Қаландар Самандаров, Ўғилжон Эгамова, Суна Хўжаниёзова, Мақсуда Кенжаевалар Сабур Атажанов ўша куни жиноят содир этилган жойда бўлмаганини айтишади. Жумладан Қаландар Самандаров ўша куни эрталаб соат 9.15 ларда отизга - экин экилган далага хотини билан борганини, С.Атажонов ҳам қўлида оқ рангли шпагат сумка билан келгани, хотини Ўғилжон Эгамова билан ярим соат гаплашиб ўтирганини, сўнг ўз еридан сабзи қўпориб кетганини баён қилган. Шундай қилиб Беруний туман суди жиноят ишида С.Атажоновни айблашга асос топилмагани учун ишни қўшимча терговга қайтарди. Бироқ Беруний туман прокурорининг суд ажримига киритган хусусий протести асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Олий суди чиқарган ажримга кўра Беруний туман суди ажрими бекор қилиниб, иш янги тартибда кўриш учун Элликқалъа туман судига юборилди. Элликқалъа туман суди шу йил 18 майда қабул қилган қарорида худди шу айблов фикри асосида судланувчини ЎзР ЖКнинг 97 -моддаси 1-қисми, 167-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди ҳамда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Жазо амнистия тўғрисидаги фармоннинг 6-моддаси «а» банди билан уч йилга қисқартирилди. 167-модда 1-қисмига кўра жавобгардан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида 54.400 сўм жарима ундириладиган бўлди. Суд ҳукмида далилий ашёлар – бир дона темир қозиқ, жинси материалдан тикилган бир дона шим йўқ қилиниши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб Элликқалъа туман суди жиноят ишининг сўнгги саҳифаларига нуқта қўйгандир, дерсиз. Қаёқда. Афсуски, кейинги воқеалар Беруний туман суди ишни қўшимча терговга қайтариб нотўғри тўхтамга келмадими, тергов ва Элликқалъа туман суди шошма-шошарликка йўл қўймадими, деган фикрни мустаҳкамлади. Энди Беруний туман прокурори номига Беруний шаҳри Ш.Руставелли кўчаси 14-уйда яшовчи Гулойим Сапаева томонидан шу йилнинг 20 майида ёзилган мана бу хат матнига бир эътибор беринг: «2003 йил 21 сентябр куни қайноғам Авезов Султон соат 10 ларда ғалати аҳволда - кўйлагининг кўкрак қисми чап томони қонга беланган ҳолда югуриб келди. Дарвоза шахд билан очилганлиги сабабли бизлар қўрқиб кетдик. Қизларим Фарида ва Мунирала «Отамнинг кўйлаги чап томони қонга беланган, нима қилган экан» дейишди. «Қўлида нима бор» деб сўрадим. Қизларим: «Ҳамма вақт кўтариб юрадиган қора матодан тикилган сумка» дейишди. Мен қўрқиб кетдим. Сабаби, аввал икки марта шу сумкага қора болтани солиб чиқиб кетганини кўрган эдим. Шу пайт қайнонам Авезова Тоза бизнинг уйга келиб қолди. «Нима гап?» десам у «бировни ўлдириб қўймаган бўлсинда» деди. «Ҳозир нима қилаяпти» дедим. «Кўйлагини ювиб ёйди ўзи» деди қайнонам.

Шу куни бизни Каримов Ойбеклар меҳмонга чақиришган эди. Кечқурун шуларнинг уйига бордик. Турмуш ўртоғим Авезов Жалол билан бу қотилликни шу ёқда эшитдик. Менинг ёдимга дарров эрталабки воқеа тушиб, Назирадан: «Ким бундай қилибди?» десам, «билмадик, лекин болта билан чопибди, воқеа соат 9-10 ўрталарида бўлган» деди. Каридорга чиқиб уйга телефон қилдим. Болаларимга «уйларнинг эшигини илиб ўтиринглар, тезда борамиз» дедим. Кейин Назирани ошхона томонга чақириб воқеани айтдим. У ҳам қўрқиб кетди. Тезда уйга қайтдик. Кўчадагилар ҳам болта билан чопилган дейишди. Лекин гап тезда ўзгариб, темир лом билан урибди деган гап тарқалди. Кейин мен қўшним Марямдан таниш милиция ходимларидан нима билан зарба берилганини аниқлаб сўрашни илтимос қилдим. Марям милиция ходимларидан иккитасидан сўраса, йўқ, болта билан эмас, дейишибди.

Бу воқеадан кейин қайноғам уйидан чиқмайдиган, ичидан илиб ҳеч кимни киритмайдиган бўлди. Ҳатто нафақасини ҳам воқеадан сўнг бирон марта олмаган. Нафақа берувчи йигит маҳалла раислари билан ҳам келиб эшикни очдиролмади. Аввал сал нафақаси кечикса жанжал кўтарарди. Ҳатто шу нафақа берувчи йигитни уриб, устидан босиб, томоғидан бўққан. Буни қайнонам айтганди. Бу воқеадан кейин қизим Авезова Мунира ғалати бир сўзни эшитиб қолибди. Қайноғам Авезов Фарход турмуш ўртоғим Авезов Жалолга «фикрлашимча, бу қотилликни Султон қилган бўлиши мумкин, лекин бу гапни сенинг хотининг эшитмасин» деган.

19 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасига бордик ва Х.Курбоновга воқеани айтиб бердим. 19 май куни туман прокурори Аймановга бизлар 21 сентябр куни кўрган 1) кўйлак, 2) болта, 3) сумкани далилий ашё сифатида адвокат Йўдошев билан бориб топширдик».

Тўғрисўз, ҳалол ва меҳнаткаш бу аёлнинг сўзларида заррача ёлғон йўқ. Бу фикрни Жалол Авезов, Юлдуз Юсупова, Назира Пўлатовалар ҳам тасдиқлашди.

Почта бошлиғи Қ.Машарипов хонасига кириб кетган номаълум шахс ҳақида маълумот берган ва унинг мўйлови бўлмаганини уқтиролмай тажанг бўлган Роҳат Мадраимов Сабур Атажановга жуда-жуда ўхшаб кетадиган, бу гал мўйловсиз Султон Авезов билан бўлган учрашув ҳақида шундай ёзади:«2003 йил 21 сентябрдан бери Машарипов Қурбонбой аканинг фожеали вафот этганлиги бўйича жиноят ишида гувоҳ бўлиб қатнашиб келмоқдаман. Мен барча кўрсатмаларимда 21 сенятбр куни почтада кўрган одамим Атажонов Сабур деб келганман. Лекин доимо мен кўрган одамнинг мўйлови йўқ деганман. 2004 йил 15 май куни мени жабрланувчи Машарипов Маҳмуд, судланувчининг укаси Ҳаётбоев Гулимбой, адвокат Йўлдошев Мустафолар келиб Сарибийда (руҳий касалликлар диспансери назарда тутилмоқда – **Я.С**) бир одам ётибди, кўриб келайлик дейишди. Йўлда улар менга Сарибийда ётган Султон дегандан гумонимиз бор. Сен шуни кўрсанг, почтага келганга ўхшаш - ўхшамаслигини айтасан дейишди. Бу ерда врачлар билан гаплашиб Авезов Султонни кўрсатишни сўрадик. Авезов Султонни аста юргизиб олиб келишди. Мен Авезов Султонни 21 сентябр куни кўрган одамга ўхшатдим. Бу одамнинг сочлари ўсган, ўзи озғин ҳолда эди. Лекин мен кўрган одамга қулоғи, бурни, юзининг узунчоқлиги ўхшайди». Энди изоҳга ўрин қолмаган бўлса керак. Бир-бирини эҳтимол танимаган Султон Авезов ва Сабур Атажоновлар ўртасида яқин ўхшашлик борлигини Роҳат Мадраимовдек уларни кўрганларнинг ҳеч бири инкор этмаяпти. Ҳаётда ўхшаш одамлар жуда кўп. Фақат бу бирининг гуноҳини иккинчиси бўйнига олсин дегани эмас. Агар Роҳат Мадраимовнинг кўрсатмаси тасдиқланса қотил Сабур Атажонов эмас Султон Авезов бўлиб чиқиши мумкин. Бунга асос ҳам бор, дейишяпти. Чунки, у ҳаяжонланиб дарвозани тепиб кириб келганда нафақат кўйлагининг чап томони қонга беланган, чап қўлининг бош бармоғи териси ҳам қўпорилган бўлганини Гулойим Сапаеванинг 1988-1989 йилларда туғилган қизлари Мунира ва Фаридалар тасдиқлашади. Ҳеч вақт кийим тозаламаган одам ўша куни кўйлагини ўзи ювгани сирлилигича қолган. У шу кундан бошлаб ташқарига чиқмаган ва уйининг ичкарисидан қулфлаб ҳеч ким билан сўзлашмаган. Аслида Султон Авезов руҳий касал бўлгани учун унга гуруҳ ногиронлиги берилган ва ногиронлик нафақасини олиб келган. Қизиғи шундаки, илгари пенсия сал кечикса жанжал кўтариб юрган ва нафақа тарқатувчини бўғиб урган одам 21 сентябрдан почта ходимларидан қўрқиб қолган. Пулни олишдан бош тортган. Нафақа тарқатувчи унинг уйига маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳам уч марта борган. Уч марта ҳам уйга ҳеч ким киролмаган. «Авезов Султон ўтган йилнинг октябр, ноябр, декабр, шу йилнинг январ, феврал, март, апрел, май ойлари учун пенсия олмаган. Бу пуллар ҳозиргача йиғилиб турган бўлиши керак,– дейди «Кодекс» адвокатлик бюроси адвокати Мустафо Йўлдошев. – У ҳатто газ дафтарчасини текширишга келган Фарход исмли йигитга болтани отган.»

Адвокат ва гувоҳ Гулойим Сапаевалар 19 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори ўринбосари Қурбонов билан учрашиб воқеани баён қилишган. Унинг тавсияси билан Беруний туман прокурорига ашёвий далиллар – болта, кўйлак, сумка топширилган. Прокуратурада болта тиғи ўлчаб кўрилганда тиғнинг эни 9,5 сантиметр чиққан. Суд тиббий эксперти Атахан Эламановнинг суддаги кўрсатмаси бўйича марҳум Қ.Машариповнинг бошидаги жароҳат эни 10 сантиметр эди. Икки жароҳатнинг ҳам эни 10 сантиметр бўлганлигидан жароҳат эни 9,5 сантиметр бўлган ўткир чопувчан жисмдан олингани аниқ кўриниб турибди.

Беруний туман прокуратураси уларнинг аризасини текширишни терговчи Балтаковга топширган. Табиийки, шикоятчилар бунга рози бўлишмаган. Чунки, кеча Сабур Атажоновни айбли деб топган терговчи бугун Султон Авезовга айб тақаши мантиққа тўғри келмайди. Шунинг учун ишни Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасидаги бошқа тажрибали терговчига ўтказишни талаб қилишган. Талаб қисман қондирилган, иш Балтаковдан олинган ва ... энди Тўрткўл туман прокуратураси иш ўрганувчиси Байниязовга топширилган. Иш Байниязовга топширилишидан олдин терговчи Балтаков томонидан экспертиза тайинланган бўлиб, экспертизага болтада, кўйлакда қон доғи борми, бўлган бўлса кимга тегишли деган саволлар қўйилган. Бундан ташқари, Султон Авезовдан ярим варақдан иборат тушунтириш хати олинган бўлиб, хат матни қуйидагича: «Мен ҳеч нарсани билмайман. Машариповни мен ўлдирганим йўқ».

Адвокат Мустафо Йўлдошевнинг айтишича, иш ўрганувчи Байниязов С.Атажоновнинг жиноят ишидан умуман бехабар. Нима деб тушунтириш хати олишни ҳам билмаган. Шунга қарамасдан у Авезовнинг тушунтириш хати ва экспертиза хулосасига кўра ариза бўйича жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида 2004 йил 25 июнда қарор чиқарган. Бу Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанцияси Элликқалъа туман судининг ҳукмини ўз кучида қолдириш ҳақида ажрим чиқаришига асос бўлган. Шикоятчилар экспертиза хулосасидан тамомила қаноатланишмаган. Сабаби, экспертиза болтада қон излари йўқ деб хулоса берган. Бу шикоятчиларга экспертизасиз ҳам маълум эди. Чунки, болта саккиз ой давомида Султон Авезов томонидан ишлатилган. Кўйлакнинг олдинги чап томонида қон доғи йўқ деган хулосага ҳам қўшилишмаган. Чунки, улар кўйлакни экспертизага топшираётганда қон доғлари аниқ кўриниб турган. Кўйлакнинг орқа томонида 3-гуруҳга мансуб қон доғлари бор дейилганига ҳам қўшилишмайди. Кўйлак топширилаётганда орқа томонда қон доғлари умуман бўлмаган. Уларнинг фикрича, фақат эксгумация ўтказиш йўли билангина жароҳат Гулойим Сапаева топиб берган болтадан етказилганми, йўқми деган саволга аниқ жавоб олиш мумкин. Худди шунингдек, Султон Авезовнинг жиноят содир этилган куни соат 10 лар чамасида қонга беланиб келгани билан Машариповнинг соат 9.45 ларда болта билан чопилгани ўртасида боғлиқлик борми ёки тасодифми, июл ойининг охирида руҳий касалликлар шифохонасидан қайтган Султон Авезовнинг ўлимичи... Уйида ўзини осиши руҳий касалликдан келиб чиққанми ёки виждон азоби шу кўйга солганми ёки бунинг бошқа бирон сабаби борми? Бунинг учун юқорида номлари, иш жойлари келтирилган шахслардан сўраб-суриштириш мақсадга мувофиқдир.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Репродуктив саломатлик*

# ОЛИС ОВУЛЛАРДА

***Марказий шифохона шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг мудири Ерназар Бегимов ва врач реаниматолог Комилжон Ешимбетовни анча ҳориган ҳолатда учратдик. Улар туманнинг «Киндикўзак» овулидан келтирилган оғир беморни операция қилишган эди.***

Шифокорларнинг тажрибаси ва билими самара берди. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Биринчи бор фарзанд кўрган она ва бола асраб қолинди. Бундан беморнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари ва шифокорлар ҳам бениҳоя мамнун эдилар.

Бехатар оналик - баркамол авлод омили. Тиббий маданият эса соғлом ва ҳар томонлама баркамол оила асоси. Мураккаб экологик ҳудудда жойлашган Қонликўл туманида ҳар бир оиланинг репродуктив саломатлигини, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий саводхонликни оширишга жиддий аҳамият берилаяпти. Бунинг учун туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда репродуктив саломатликни муҳофаза қилишни такомиллаштириш, чақалоқ ва ҳомиладор аёлларда туғма ва авлоддан-авлодга ўтувчи паталогияни эрта аниқлаш тизимини ривожлантириш, болалар ва туғруққа ёрдам бериш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Ҳозирги пайтда юзга яқин малакали врачлар, 457 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари 41 мингдан ортиқ аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти. Марказий шифохона, 4 та овул врачлик маскани ва амбулаториялари, 11 та фельдшер-акушерлик пунктлари керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

– Экологияни мўътадиллаштириш, аҳоли соғлиғини яхшилаш ва атроф-табиий муҳит мусаффолигини таъминлаш мақсадида «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганлиги нур устига нур бўлди,– дейди марказий шифохона бош врачи А.Бердибоев. - Соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштириш, аҳолининг, айниқса болалар ва аёлларнинг соғлиғи даражасини ошириш, санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш, кундалик ҳаётга оилавий саломатлик маданиятини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти.

Ҳудудда 14,6 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар, 11 мингга яқин туғиш ёшидаги аёллар яшайди. Уларнинг деярли ҳаммаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли муолажалар олишди. Тажрибали шифокорлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат учта гуруҳ овулларда бўлиб, одамларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Шифохоналар ҳисобида турган 6 мингдан зиёд киши ўз соғлиғини тиклади.

Овулларда жойлашган тўртта врачлик пунктлари таъмирланиб, 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Марказий шифохонани таъмирлашга 40 миллион сўм маблағ сарфланди. «Фарзанд» жамғармаси ёрдами билан жарроҳлик бўлими таъмирланди. Бу эзгу ишга 6 миллион сўм маблағ харажат қилинди.

Ҳомийларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли тиббиёт масканлари моддий техника базаси янада мустаҳкамланмоқда. «Ёнбошсувқурилиш» бирлашмасининг амалий ёрдами билан қабул бўлими сифатли қилиб таъмирдан чиқарилди. «Сувоқова» бошқармаси жамоаси ҳам касалхона бўлимларини таъмирлашда яқиндан кўмаклашди. Туманда ўта хавфли ҳисобланган сил касаллигини даволаш маркази ишга тушди.

Туманнинг овуллари бир-биридан олисда жойлашган. Оролбўйида экологик мувозанатнинг бузилиши аҳоли саломатлигига доимий эътиборни талаб қилади. Қонликўллик шифокорлар халқ соғлиғи йўлида ҳамиша камарбаста.

**И.ТИЛЛАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Бозор иқтисодиёти тамойилларининг жамият ҳаётида мустаҳкам қарор топиши туфайли тор ихтисосли мутахассисликлар тайёрлайдиган Самарқанд кооператив институти жамоаси олдида жиддий муаммолар пайдо бўлганди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан мазкур институтга янги ном, янги мақом берилганлиги илм масканининг истиқболли йўналишини очди.***

*Йиллар ва одамлар*

# САЙЁҲЛИК
## ва сервис хизмати

Ушбу олий ўқув юрти 1931 йилда Ўрта Осиё режалаштириш институти сифатида ташкил этилган бўлиб, халқ хўжалигига минглаб малакали мутахассисликлар тайёрлаб берди. Шу даврда унинг мақоми ҳам бир неча марта ўзгартирилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш, хўжалик муносабатларидаги ўзгаришлар кадрларни ҳам шунга мос тарзда тайёрлашни тақазо этади. Шу нуқтаи назардан Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд кооператив институтини Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига (СамИСИ) айлантириш тўғрисида»ги қарори жуда муҳим бўлди. Эндиликда институтда таълимнинг асосий йўналишларидан бири сайёҳлик ва унинг сервис хизматини ривожлантириш учун мутахассислар тайёрлашдан иборат бўлади. Аниқроқ айтганда, талабалар халқаро туризм, туризм менежменти, туризм бўйича операторлик хизмати бизнеси, хизмат кўрсатиш соҳаси, иқтисодиёт ва уни ташкил этиш, молия, банк ва суғурта хизматларини бошқариш йўналишлари бўйича таълим оладилар. Шу ихтисосликлар бўйича таълим берадиган ўқитувчилар ҳам тайёрланади. Самарқандда бундай институт ташкил этилишининг рамзий маъноси ҳам бор. Чунки Самарқанд дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан ва туризм марказларидан биридир.

Институтда 3 та – иқтисодиёт ва менежмент, сервис ва туризм, банк ва молия хизматлари факультетлари мавжуд. Ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун замонавий техник жиҳозлар етарли. Ҳар 8 талабага битта компьютер тўғри келиши фикримизнинг далилидир. Таълимда янги педагогик технологиялар кенг қўлланилмоқда. Институт қошида бизнес мактаби, академик лицей фаолият кўрсатяпти. Бу эса иқтидорли ёшларни танлаб олишда катта имкониятлар беради. Интернет тармоғига уланган махсус таълим хонаси, 130 мингга яқин китоб фондига эга кутубхона таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга институт ўқитувчилари орасида бир академик, 16 нафар фан доктори фаолият кўрсатаётгани, институт олимлари бир неча ўнлаб дарсликлар ва қўлланмалар нашр қилганлиги мазкур масканнинг илмий салоҳияти анча юқори эканлигини кўрсатади.

Институтда талабаларнинг ўқиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар муҳайё. Спорт зали, ёзги спорт майдони, 360 ўринли ошхона, замонавий жиҳозланган 210 ўринли ётоқхона улар ихтиёрига бериб қўйилган. Институтнинг «Миронқул» дам олиш маскани мавжуд. Унда ўқитувчи ва талабалар саломатликларини тиклаб оладилар.

– Айниқса, спортни оммавийлаштиришга эътибор катта, – дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори М.Пардаев. – Ўндан зиёд спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Институтнинг волейболчи қизлари Ўзбекистон биринчилигининг олий лигасида юқори поғоналарни мустаҳкам эгаллаган. 2003 йилда ёзги биатлон бўйича институт спорт жамоаси Ўзбекистон ва Осиё чемпиони бўлди.

**Р.ҚУРБОНОВ**



Бугунги кунда Фарғона вилоятининг маркази – Фарғона шаҳри кун сайин чирой очиб бормоқда. Айниқса, сўнгги пайтда шаҳар янада кўркамлашди. Янги муҳташам бинолар қад ростлади.

Ёшлар учун турли спорт иншоотлари, гузарлар, маданий-маиший бинолар шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди. Айниқса, шаҳар кўчалари таниб бўлмас даражада ободонлаштирилди.

***Суратларда: олимпия заҳиралари спорт коллежининг кўриниши; «Истиқлол» теннис мажмуаси.***

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**



*Бу қизиқ!*

## «СЕҲРЛИ ЎРМОН»

Камбоджа давлат бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук «Сеҳрли ўрмон» фильмининг сценарий муаллифи ва оператори бўлиб, эркаклардан асосий ролни ҳам ўзи ижро этган.

Фильм кўриги Парижда ва Москвада бўлиб ўтди. Картинадаги аёллардан бош ролларни Нородом Сианукнинг рафиқаси малика Моника ва қизи Бофа Девилар ўйнашган.

## УЛКАН ТЕЛЕСКОП

Санкт-Петербургда дунёда энг катта телескоп қурилган. Бу телескоп ойнасининг диаметри олти метр. Умумий оғирлиги 700 тонна, бўйи эса 40 метр бўлган ушбу қурилма коинотнинг янада узоқроқ ерларини кўриш имконини беради.

## ЭНГ ЙИРИК ДУР

Бирмалик дур изловчилар катталиги гугурт қутисининг ярмича, оғирлиги эса 36,75 граммлик дур топишди.

У дунёда энг йирик дур бўлиб, шу вақтгача бунақаси топилмаган эди.

*Қадриятларимиз*

***Адирдаги илонизи йўлдан қишлоқ томон бурилишингиз биланоқ юзингизга ёқимли шабада урилади. Гул ва гиёҳларнинг намхуш ҳиди димоғингизга оқиб кира бошлайди. Беихтиёр иштаҳангиз очилиб кетганини сезасиз. Биринчи дуч келган уй эгалари азалий одатга кўра қўшқўллаб сиз билан омонлашишади, сўнг салкин супа томонга ундайди.***

# «ЎРИК СУВИДАН ИЧИНГ, МЕҲМОН...»



- Қани юринг, меҳмон. Ўрик суви ичиб кетасиз. Одатимиз шунақа.

Тоғ эпкинида қуритилган ўрикнинг шарбатини симиргач, вужудингиз роҳатланади. «Қандай чиройли одат экан бу!» деган фикр хаёлингиздан кечади...

Увопсой қишлоғида гўзал одатлар, анъаналар кўп. Бу жойнинг кишилари ҳақида ривоятлар ҳам бор. Эмишки, бир замонлар шу ерлик йигит пойтахтда ўқиб юриб шаҳарлик қизни ёқтириб қолибди. Аммо, қизнинг ота-онаси ҳадеганда рози бўлавермабдилар.

- Сен бир неча йиллар ижарада яшаган қишлоқлик йигит бўлсанг, уй-жойинг қанақалигини билмасак, қизимизни қандоқ қилиб сенга ишонамиз, - дейишибди.

- Менга ишонаверинг! Молгузар отлиғ тоғларим бор, Ровот деган боғларим бор, - дебди йигит.

«Тоғлариям, боғлариям бор бўлса, жуда бадавлат йигит экан-ку» деб ўйлашибди ота-оналар ва қизини йигитга никоҳлаб, сўнг жўнатибдилар. Келин-куёв адир оралаб қишлоқ томонга юришибди.

- Менга айтган тоғларингиз, боғларингиз қани? - дебди келинчак.

- Ху, ана кўриниб турган Молгузар тоғи бизники, манави адир ортидаги Ровот қишлоғининг боғлариям бизники, энди иккимизнинг ризқу рўзимиз шу ерларда! - дебди куёв.

Аслида ҳам шундай. Тоғлар этагида жойлашган Увопсой, Ровот, Еттибулоқ, Бешовул қишлоқлари аҳолиси рўзғор юритиш учун ҳадеб шаҳар томонга отланавермайдилар. Қолаверса, шаҳардаги бозорлар ҳам анча олис... Улкан тоғ, хушҳаво боғ ҳамиша саҳий, ризқ-рўз манбаи!

Бирор киши беморланса тоғ гиёҳларидан қайнатиб ичади. Ўзиям бу ерликларнинг ҳар бири табиб бўлиб кетган. Агар томоғи оғриган киши тоғ ён бағрида туриб энди кўтарилиб келаётган офтоб нурини «ютса», яъни қуёшга қараб уч марта нафасини ичига тортса шу заҳотиёқ тузалармиш. Бод безовта қилган беморлар чиябўри ёки айиқларнинг терисини кун давомида ёпиниб юрадилар. Айтишларича, шундай ҳайвонлар териси бодни бадандан «тортиб» олармиш. Чақалоқларни эрталабки қуёшга тоблашади, сабаби шу пайтда қуёшнинг нурида тонгги шабнамлар парланаётган бўлади, гиёҳлар қувватини сўриб олган бу шабнамларнинг ҳарорати гўдак учун жуда фойдали экан. Ўсмирлар бу ерда тез-тез отда сайр қилишади. Бундай сайрлар ўсаётган танани бақувват ва пишиқ қилармиш. Қизалоқлар эса юзларини булоқ сувига қайта-қайта чайишади. Тоғ қизларининг қошу киприклари найзадек, юзлари тип-тиниқ бўлиши бежизга эмас. Булоқ суви ҳам тоза, ҳам шифо!

Бу қишлоқнинг тонготарларида отлиқ кишининг товушидан чўчиб кетсангиз ажабмас. У - «айтувчи», яъни қишлоқ кишиларини тўй ё маъракага чорлаётган бўлади. Ахир тоғ қишлоқларида шаҳардаги сингари махсус таклифномалар тарқатиш имконияти йўқ. Тўй «айтувчи»чи кимнинг хонадонида ош берилаётганини кишиларга хабарлаб юради. Унинг баланд овози қўшни қишлоқларга ҳам эшитиладди баъзан.

- Биз ҳам эндиликда тўй ва маъракаларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказаяпмиз, - дейди қишлоқ оқсоқоли Хўжабек Аллонов. - «Қиз мажлиси» ўтказилмайди, ҳар икки томон келишиб никоҳ тўйини бир жойда ихчамгина қилиб нишонлашади. Аза маросимлари ҳам иложи борича камчиқим қилиб ўтказилади.

- Тоғ кишилари дарёдил, меҳр-мурувватли бўлишади, - дейди Тожибой Ҳамроев. - Бир-бировимизга доимо ён берамиз, зарур пайтда ҳар ишда кўмаклашамиз. Ўғил болалар тарбиясида ўзимизни масъул деб биламиз. Оналар эса қизларини турмушга тайёрлаш билан банд бўлишади. Бу ерликлар никоҳ тўйларида қадимий ўланлар, айтишувларга кенг ўрин беришади. Келин-куёв яшайдиган хоналар эса қизларимиз тиккан палаклар, лўлаболиш ва қуроқ кўрпачалар, жулқурс, жулбароқ сингари қўлда тўқилган гиламлар билан безатилади. Уч қизимизни узатиш чоғида сеп-сидирға излаб бозор кезганимиз йўқ. Ҳатто никоҳ куни кийиладиган либосларни ҳам қизларимизнинг ўзлари тикишди. Катта шаҳарда ўқиб тикишчатиш илмини эгаллаб қайтган қизлар ён-атрофдаги қишлоқлардаги қизалоқларни йиғиб, замонавий либослар тикишни уларга ўргатишмоқда. Момоларидан ҳунарлар ўрганаётган қизларимиз шаҳарча кийимларни тикишни ҳам ўрганиб қўйишса зарар қилмайди, ахир.

Гапни ўрик сувидан бошлагандик. Шифокорларнинг айтишларича, ўрик шарбатида кишини тетиклаштирувчи шифобахш витаминлар сероб. Айниқса, олис йўл босиб, шаҳардан тоғ қишлоқларига келган киши ўрик суви ичса, шароитга жуда тез мослашади. Шунинг учун ҳам тоғликлар азиз меҳмонига энг аввал бир пиёла ўрик суви тутқазишади. Бу одатда ажиб бир ҳикмат бор...

Ҳа, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги «Ровот» жамоа хўжалиги аҳолиси тоғ ён бағирларида истиқомат қилишади. Дон-дун экишади, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришади, шаҳарликларга таъми асалдек мева-чевалар етказиб беришади. «Фарзандларимиз биздан билимдонроқ бўлишсин» деган эзгу ният билан яшаётган тоғликларнинг ягона мақсади - ёш авлодни кучли, бақувват ва чидамли қилиб ўстиришдан иборат. «Биз болаларимизга мактаб илмидан ташқари ота-боболаримиздан мерос илмларни ҳам ўргатамиз. Бу илм тўғри яшаш, ҳалоллик, садоқатли ва меҳрли бўлишдир» дейди қишлоқ оқсоқоли ўз суҳбатини якунлаётиб. Биз бу сўзларга шубҳа қилмадик. Ўсмир йигит Ҳамиджон Ҳамроевнинг «Мен улғайсам, тоғ қишлоқларига ҳам компьютер олиб келаман!» деган сўзини эшитиб ишончимиз янада ортди.

**Г. КАРИМОВА**

## ЯНА БИР ГУЗАР

Ширин шаҳридаги А.Набиев номидаги маҳаллада «Ёқуб ота» гузари очилди. Объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, ҳудудни ободонлаштириш, хоналарни безаш ишларини «СирдарёТЭС» очиқ акционерлик жамияти молиялади. Гузарда ёпиқ деҳқон бозори, чойхона, футбол, баскетбол, волейбол ўйнаш мумкин бўлган спорт мажмуи бор.

Спорт залида Шарқ яккакураши ишқибозлари учун машғулотлар ўтказилмоқда. Гузар ҳудудида маҳалла фуқаролар йиғини, участка милиция нозири хоналари жойлашган.

## КЎЧМА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси энг яхши ижод намуналарини жойларда оммалаштириш мақсадида кўчма кўргазмалар ташкил этмоқда. «Хаёлот ранглари» деб номланган янги экспозиция эса таниқли рассом Ортиқали Қозоқов ижодига бағишланди. Ундан мўйқалам устасининг 20 дан ортиқ асари ўрин олди. Ушбу кўргазманинг Поп туманида намойиш қилингани бежиз эмас, албатта. Зеро, рассом О.Қозоқов Наманган вилоятининг бу гўзал масканида туғилиб вояга етган.

«Хаёлот ранглари» экспозицияси кейинчалик республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам намойиш қилинади.

## НОЁБ АСАР НАШРИ

Ҳиндистон, Эрон, Туркия, АҚШ, Англия, Италия каби мамлакатларда Берунийнинг бебаҳо илмий мероси атрофлича ўрганилмоқда.

Улуғ олимнинг «Геодезия» асари устида ҳам самарали тадқиқотлар олиб борилди. Бу ноёб қўлёзма - Истамбул шаҳридаги Фотиҳ жомесининг кутубхонасида сақланади.

1926 йили атоқли шарқшунос олим академик В.Бартольд Истамбулга илмий сафарга борганида мазкур қўлёзма билан танишиб, унинг бир неча саҳифасини - Амударё тарихи ёзилган сатрларни кўчириб олган эди.

Афсуски, бу сатрлар талай вақтгача маълум бўлмай турди. 1941 йил бошидагина арабшунос С.Валин ўша ёзувларни академик Бартольд архивидан топиб, рус тилида эълон қилди. Беруний асарининг бу кичик парчаси ҳам шарқшунослар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. XI аср бошидаёқ Амударё тарихини Қорақум ва Қизилқум, Сариқамиш кўли ҳамда Хоразм воҳасининг узоқ географик ўтмишини жуда аниқ тасвирлаб берган бу тарихий маълумотлар алоҳида китобда ўз ифодасини топди.

**А.АЛИЕВ**

*Бола кулсин жаҳонда*

# МУРҒАК ҚАЛБЛАР СЕВИНЧИ

Болалик – беғуборлик даври, уларнинг мурғак қалблари чексиз шодлик ва севинчлар билан лиммо-лим. Ҳаёт ташвишлари ва қийинчиликларидан тамоман фориғдир.

Республика ғаллачилик илмий текшириш олийгоҳининг Ғаллаорол филиали (бўлими)га қарашли 4-«Бошоқча» боғчаси тарбияланувчилари даврасида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Айниқса, олий маълумотли педагог Баҳриниса Исоқова раҳбарлик қилаётган «Семурғ» гуруҳида соғлом ва яхши муҳит яратилган. Жажжи кичкинтойлар томонидан чизилган «Табиат бизга, биз табиатга» деб номланган суратлар эътиборимизни ўзига тортди. Оддий бўёқда чизилган расмларда беғубор боликнинг орзу-ўйлари ва интилишлари ўз аксини топган. Тарбиячи Баҳринисо опага машғулотларнинг янада қизиқарли ўтишида бу расмлар қўл келяпти. Шунингдек, у болаларнинг фикр доирасини кенгайтириш мақсадида турли топишмоқ, тез айтиш ва бошқотирма ўйинларидан ҳам ўринли фойдаланиб келяпти.

Ш.Қорақулов номли 16-ўрта мактаб боғча ҳовлисидан унчалик узоқда эмас. «Семурғ» гуруҳидаги биринчи синфга борувчи тарбияланувчилар билим даргоҳида бўлишиб, бой таассуротлар билан қайтишди. Улар мактаб, ўқиш, таълим ва тарбия ҳақидаги тушунчаларга оз бўлсада эга бўлишди. Бу гуруҳда «Зеҳнлилар бурчаги» ташкил этилган. Ҳар бир тарбияланувчи қўшиқ айтиши, рақсга тушиши ва севган китобларини мустақил ўқий олиши лозим.

Хоналарда ва ҳовли саҳнида «Соғломжон-полвонжон», «Менинг севимли она Ватаним», «Эртаклар – яхшиликка етаклар» каби кўргазма ва фотостендлар дид билан безатилган. Ҳар бир жиҳоз ўз ўрнини топган. Инглиз тили, спорт ва мусиқа тўгараклари фаолиятидан ота-оналар мамнун. Ҳар бир тўгарак ва машғулотларнинг қизиқарли ва таъсирчан ўтиши «Олимлар» маҳалласи фаолларининг ҳам диққат-эътиборида бўлиб келяпти. Ота-оналарнинг вақти-вақти билан умумий йиғилишлари ўтказилиб, долзарб масалалар кенгашиб олинади, муаммолар ҳал этилади.

Меҳр ва мурувват йилида ғаллачилик илмий текшириш олийгоҳининг Ғаллаорол филиали касаба уюшма қўмитаси кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 14 та оиладаги болаларни ўз оталиғига олган. Тарбиячилардан Гулнор Ғаниева, Норгул Мўминова, спорт устаси Бахтиёр Қунанбоев, мусиқа муаллими Саттор Мамиров ва ҳамшира Гулсанам Суюновалар ўз касбларини эъзозлаб келишяпти.

Яқинда 4-«Бошоқча» тарбияланувчилари вилоятда бўлиб ўтган «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллашди.

– Ҳар бир кичкинтой билан алоҳида муомалада бўляпмиз, – дейди боғча мудираси, олий тоифали педагог Ойдин Муҳаммадиева. – Бу эса тарбиявий ишимизга ҳар томонлама фойдали ва яхши самара беряпти.

**А.САИДОВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817

23456